

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ



**ГЕОГРАФИЯ ВА ГЛОБАЛИЗАЦИЯ:  
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**  
Халқаро илмий-амалий конференция

**ГЕОГРАФИЯ И ГЛОБАЛИЗАЦИЯ:  
ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА**  
Международная научно-практическая  
конференция

**GEOGRAPHY AND GLOBALIZATION:  
THEORY AND PRACTICE**  
International Scientific and practical Conference

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ

**ГЕОГРАФИЯ ВА ГЛОБАЛИЗАЦИЯ:  
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

Халқаро илмий-амалий конференция

Андижон, 2018 йил 21 май

---

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
ИМЕНИ ЗАХИРИДИНА МУХАММАДА БАБУРА**

**ГЕОГРАФИЧЕСКОЕ ОБЩЕСТВО УЗБЕКИСТАНА**

**Международная научно-практическая конференция**

**ГЕОГРАФИЯ И ГЛОБАЛИЗАЦИЯ: ТЕОРИЯ  
И ПРАКТИКА**

**21 мая 2018 года, Андижан**

---

---

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED  
EDUCATION REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**ANDIJAN STATE UNIVERSITY  
ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BABUR**

**GEOGRAPHICAL SOCIETY OF UZBEKISTAN**

**International Scientific and practical Conference**

**GEOGRAPHY AND GLOBALIZATION:  
THEORY AND PRACTICE**

**21 May, 2018 Andijan**

<b>Ruzmatov E.Y., Rasulova Z.B. BOSHLANG'ICH SINIF TABIATSHUNOSLIK DARSLARINI TECHNOLOGIK LOYIHALASH.....</b>	<b>493</b>
<b>Рахматуллаев А., Адилова О.А., Баратов Х.А. ҒЎБДИН ТОҒИ ЛАНДШАФТЛАРИДА ЧЎЛЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ ТАЖРИБА УЧАСТКАЛАРИ ЁРДАМИДА ЎРГАНИШ.....</b>	<b>496</b>
<b>Темиров З.А., Темирова М.Б., Юсупов И.З. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯСИНИНГ АЙРИМ МАВЗУЛАРИНИ ЎҚИТИШДА БАДИИЙ АДАБИЁТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.....</b>	<b>500</b>
<b>Temirov Z.A., Anjanova O., Otaqo'ziyev SH., Odilova I. GEOGRAFIYA DARSLARINING SAMARADORLIGINI OSHIRISHIDA TEST HAMDA AXBOROT TECHNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH.....</b>	<b>503</b>
<b>Тошов Х.Р. А.ГУМБОЛЬДТ ВА ЯНГИ ДАВР (XIX АСР) ГЕОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....</b>	<b>506</b>
<b>Умурзаков Д, Умурзакова Г. ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИГА ОИД АТАМАЛАР ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ.....</b>	<b>510</b>
<b>Хамроева Ф., Давранова М. ДАРС САМАРАДОЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕДИАТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.....</b>	<b>512</b>
<b>Habibullayeva M.N., Nazarova D. GEOGRAFIYA DARSLARIDA“BLITS – SO'ROV” METODIDAN FOYDALANISH.....</b>	<b>515</b>
<b>Habibullayeva M.N., O'zganova Sh., Qirg'izboyeva M., Yuldasheva S. МАКТАВ GIDROТОРОНИМИКАСИ.....</b>	<b>517</b>
<b>Навдарова Н.Р., Zuhrdinova M.A. TALABA - YOSHLARDA EKOLOGIK ONG VA EKOLOGIK MADANIYATNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI.....</b>	<b>519</b>
<b>Ҳакимов Қ.М., Зокиров А.А. ТОПОНИМИЯДА МАҲАЛЛИЙ ГЕОГРАФИК ТЕРМИНЛАР.....</b>	<b>521</b>
<b>Shamsitdinov S., Abdumannopov M., Alimqulov N. ZAMONAVIY DASTURLASH TILLARINING GEOGRAFIK MA'LUMOTLARNI O'RGANISHDAGI O'RNI.....</b>	<b>524</b>
<b>Шокиров Р.Ш. ФОРИШ ТУМАНИНИНГ ҚАДИМИЙ ОРОНИМИЯСИ.....</b>	<b>526</b>
<b>Эгамбердиев А. ШАРҚ РЕНЕССАНСИ – БУЮК ИННОВАЦИЯЛАРИ ДАВРИ.....</b>	<b>529</b>
<b>Эркинова О., Исомиддинова Ш., Мусаев М. ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА КЕНГ ТАРҚАЛГАН ЖОЙ НОМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>532</b>
<b>VI ШЎҒБА. ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ.....</b>	<b>535</b>
<b>Boratova M.G'., Xalimova N.T., Muxammedov Sh.Q. NAVOIY VILOYATINING EKOTURIZM SALONIYATI: IMKONIYATLARI VA ISTIQBOLLARI.....</b>	<b>535</b>
<b>Boratova M.G'., Qo'simova D.Sh. SENTOBSOY SOYLIGI TABIATI VA U YERDA ICHKI TURIZMNI RIVOJLANTIRISH.....</b>	<b>539</b>
<b>Валиева Ш.И., Берликулов Ф.Ф. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТАРИХИЙ ЖОЙ НОМЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ТУРИЗМДАГИ АҲАМИЯТИ.....</b>	<b>543</b>
<b>Dehqonov B.M., Po'latov U.B. O'ZBEKISTONDA TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDA TABIIY MUHIT VA TARIXIY OMILNING O'ZIGA XOS JIHATLARI (Sho'rchi tumani misolida).....</b>	<b>545</b>
<b>Дусанова Ш.Б., Оллаберганова С. Ш. Рахимова Р.И. КУЙИ АМУДАРЁ ОКРУГИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....</b>	<b>548</b>
<b>Кўчканова Ш.Н., Эргашев Ш.О. БУЛОҚБОШИ ТУМАНИ РЕКРЕАЦИОН РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....</b>	<b>550</b>

Shuni ham inobatga olish kerakki, salomatlik ustida qayg'urishdek kam chiqim narsa yo'q. Buning ustiga salomatlik tashvishlari ko'p vaqt talab qilinmaydigan va ayni chog'da bu tadbirlar odamga yoqadigan, ruhiyatini ko'taradigan ishlardir. Ammo, afsuski, ko'p fazilatlariga ega xalqimiz o'zining salomatligi masalasiga kelganda beparvo, chiniqish masalasida esa mutlaqo xafsalasiz. Shu o'rinda bir ibratli gapni eslatib o'tish joiz: "Tabiatda hech narsa behikmat va me'zonsiz emas". Hozirda global muammo hisoblanayotgan Orol fojeasi natijasida dengiz tubining qurib qolishi tufayli havoga ko'tarilayotgan tuz moddalarni innovatsion g'oyalar asosida qayta ishlab ulardan aholi salomatligi uchun foydali bo'lgan dengiz tuzi olish va uni jahon bozorida hamyonbop narxlarda sotuvga chiqarilishi yurtimizda amalga oshirilayotgan ekologik islohotlarning samarasi ekanligini alohida ta'kidlab o'tmoqchimiz.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Karimov I. A. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot shartlari va taraqqiyot kafolatlari.- T.: "O'zbekiston",-1997.
2. Birlashgan Millatlar Tashkilotining Iqlim o'zgarishi bo'yicha ramkaviy Toshkent konvensiyasi bo'yicha O'zbekiston Respublikasining Birinchi Milliy axboroti.-T.,-1999
3. Baratov P. Tabiatni muhofaza qilish.-T.: "O'qituvchi"-1991.

### **ТОПОНИМИЯДА МАХАЛЛИЙ ГЕОГРАФИК ТЕРМИНЛАР**

**Ҳакимов Қўчқор Маҳкамович,**

г.ф.н., профессор в.б.

**Зокиров Абдувахҳоб Абдумаликович**

ф.ф.н., доцент.

Жиззах давлат педагогика институти. E-mail: hakimov\_54@mail.ru

**Аннотация:** Мақолада Жиззах вилояти топонимияси таркибидаги айрим маҳаллий географик терминларнинг фарқловчи хусусиятлари аниқ мисоллар ёрдамида таҳлил қилинди.

**Таянч сўзлар:** топоним, топонимия, жой номи ва географик термин, маҳаллий географик термин, илмий термин, индикатор термин.

### **МЕСТНЫЕ ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ТЕРМИНЫ В ТОПОНИМИИ**

**Ҳакимов Қўчқар Маҳкамович,**

**Зокиров Абдувахҳоб Абдумаликович**

**Аннотация:** В данной статье на конкретных примерах изучено некоторые отличительные особенности местных географических терминов Джиззакской области.

**Ключевые слова:** топоним, топонимия, географическое названия и географический термин, местные географические термины, научные термины, термин индикатор.

### **ENDEMICAL GEOGRAPHICAL TERMS IN TOPONYM**

**Khakimov Kuchkar Maxkamovich,**

**Zokirov Abduvahhob Abdumalikovich**

**Abstract:** This article dedicated to some local geographical terms of Jizzakh provinces toponomy, some peculiarity of difference analyzed with concret instance.

**Key words:** toponym, toponyms, places names and geographic term, local geographical term, scientific term, indicator term.

Маълумотларга бой ва илмий терминларнинг асосий манбаи бўлган маҳаллий географик терминлар доимо мутахассислар диққатини ўзига жалб қилиб келган. Шунинг учун, Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, З.Дўсимов, Т.Нафасов, П.Фулломов каби ўзбек географ ва

тилшунос олимлари маҳаллий географик терминларни ўрганишга катта аҳамият берганлар. Терминшунос олимлар М.Миракмалов, К.Хуррамов эса маҳаллий географик терминларни алоҳида ўрганганлар.

Маҳаллий географик терминлар ҳақида фундаментал асар яратган рус географ олими Э.М.Мурзаев ёзишича, “ҳар қандай топонимик тадқиқотлар географик терминларни ўрганишдан бошланмоғи керак”. [2, 48-6] Олимнинг фикрича, жой номлари таркибида терминлар кўп ва улар топонимнинг этимологиясини аниқлашда “калит” вазифасини бажаради. Шу сабабдан, ҳар қандай мутахассис илмий-тадқиқот ишларида улардан оқилона фойдаланса иши самарали бўлади. Бинобарин, маҳаллий терминларни тўплаш, изоҳлаш, илмий адабиётларга киритиш ниҳоят муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.

Жиззах вилояти топонимияси таркибида маҳаллий халқнинг ижод маҳсули бўлган шундай географик терминлар борки, бошқа минтақаларда кам учрайди ёки умуман учрамайди. Улар маҳаллий халқнинг табиат ҳодисаларини синчклаб кузатиши ва географик муҳитда юз бераётган ўзгаришларга муносабат билдириши натижасида пайдо бўлган. Маҳаллий халқ кўп йиллик кузатишлар натижасини лўнда, ихчам, аниқ маъноли, жарангдор, талаффузда осон бўлган географик терминлар ёрдамида баён қилганлар. Бинобарин, улар жой номлари таркибида кўп учрайди ва узоқ муддат сақланиб қолади.

Маълумки, маҳаллий географик терминларга ҳудудийлик хос, яъни улар фақат маълум ҳудудда тарқалган ва кўпинча маҳаллий шевада яратилганлиги боис, ареали ҳам чекланган. Бундай терминларни пайдо бўлишида жойнинг географик ўрни, табиий шароити, маҳаллий халқ тарихи, тили, хўжалик фаолияти, моддий маданиятининг хусусиятлари муҳим рол ўйнаган. Бинобарин, ҳар бир минтақа топонимияси таркибида ўша ҳудудга хос бўлган маҳаллий географик терминлар кўп учрайди.

Мутахассислар, жой номи билан географик термин орасида узвий боғлиқлик борлигини аллақачон аниқлашган. Мазкур алоқадорлик вилоят топонимиясида куйидаги ҳолатларда кўринади: 1. Маҳаллий географик терминлар ҳеч қандай қўшимчасиз географик объектнинг номига айланган. Масалан, Лойқа, Кўтал, Ёйилма, Камар каби терминлар аҳоли пункти номи сифатида учрайди. Улар бошқа умумий истемол сўзлардан, аниқ бир маънони ифода этиши, эмоционаллик хусусиятга эга эмаслиги каби белгилари билан фарқ қилади. Масалан, Лойқа, Кўтал, Ёйилма ва бошқалар.

Лойқа - деб сой, сел сувлари олиб келган аллювиал ётқизиклардан ташкил топган, тоғ олди текислигидаги унумдор ерлар тушинилади. Асосан ғалла экилиб баҳорда ёгингарчилик мавсумида икки ёки уч марта суғориб яхши ҳосил олинган, ёки курғоқчил йилларида деҳқончилик қилинмаган. Дара ва сойлардан текисликка оқиб чиққан сувларнинг ётқизиклари ҳам кўпинча лойқа дейилади. [6, 53-6]

Кўтал - мўғулча сўз, довон, ағба, ошув сўзлари билан маънодош. Довон сўзи ҳам мўғулча, лекин кўтал пастрок довон. Кўтал деб тоғдаги ўтиши қийин бўлмаган теппалик, дўнглик, кичик довонга нисбатан айтилади. Жой номлари таркибида учрайдиган кўтал сўзи тоғлардан ошиб ўтадиган йўл, пастрок довон деган маънони ифода қилади.

Ёйилма - доимий ёки вақтинча оқар сувлар тоғ ва қирлар орасидан текисликка ёки водийларнинг кенгрок қисмига чиққан жойда сув келтирган жинсларнинг тўпланишидан ҳосил бўлган ярим конус кўринишидаги салгина кабарик рельеф шаклига нисбатан айтилади. Ёйилмалар этагидан сув келган томонга қараб кўтарилиб боради. Вилоят ҳудудида тоғ этаги текисликларида, водийларда ёйилмалар учраб туради.

2. Маҳаллий географик термин топонимнинг туридан дарак берувчи сўз ёрдамида географик объект номига айланган. Чортанги, Оқзаяк, Сулувжўна, Қизилчағат ва бошқалар. Танги - маҳаллий халқ кўпинча тор дара, энсиз тоғ оралиғи, икки тоғ оралиғидаги камбар сойлик жойларни танги дейишади. Кўпинча тангининг сони, катта-кичиклиги, қаерда жойлашганлиги жой номларида ўз аксини топган. Заяк - шудгор

қилинган, аммо бир-икки йил дам олиши учун экин экилмай қолдирилган ерлар. Бундай вақтинчалик партов бўлган ерларда кўпинча ҳар хил бегона ўтлар ўсади.

Жўна (жўн) - жой номлари таркибида нисбатан кам учрайдиган маҳаллий географик термин. Маҳаллий шевада тоғ орқаси, узунасига чўзилган пастак тоғнинг қирра қисми, тепалик қирраси маъноларини ифодалайди. Чағат - сўзи ўсимлик кам ўсадиган қиялик, қуёш чиқиши билан унинг нури тушадиган жойлар, кўпинча офтобда қакраб ётадиган ён бағир чағат дейилади.[4, 117-б]

3. Маҳаллий географик термин жой номи таркибида кўпинча "индикатор" вазифасини бажаради. Бундай дейишимизнинг асосий сабаби, биринчидан, термин жой номининг ўзаги ҳисобланади, иккинчидан, номнинг маъносини аниқлашда кўмаклашади, учинчидан, объект турини билдирадиган маълумотлар унда мужассам.

Вилоят топонимияси таркибида қадимдан халқ тилида ишлатилиб келинаётган индикатор терминлар кўп учрайди. Шубҳасиз, улар муайян тарихий даврда пайдо бўлган ва келиб чиқиши жамият ҳаёти ва шу ҳудудда яшайдиган халқлар тили билан узвий боғлиқ. Бундай терминларнинг муҳим манбаларидан бири халқ оғзаки ижоди ҳисобланади. Халқ оғзаки нутқида қўлланиладиган терминларнинг аксарияти топонимик экспедициялар давомида ёзиб олинган.

Сўнгги йилларда Сангзор воҳасига ташкил этилган топонимик экспедицияларда, маҳаллий халқ билан мулоқот чоғида, маҳаллий шевада ҳозиргача қўлланиб келаётган терминлар ёзиб олинди. Улардан айримларини изохлаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Дапсан - маҳаллий халқ тоғ этагидаги кичик текислик жойни дапсан (депсан) деб атайди. Таникли топонимист олим С.Қораев дапсан терминини изохлаб шундай ёзган: «Зоминлик Бибинисо бахшининг «эшик олди дапсанимдир, дапсанга гул эканимдир» деган кўшиғидан ҳам қир-адирдаги текис майдончанинг дапсан эканлигини билса бўлади».[3, 180-б]

Зомбир - тўртламчи давр тоғ жинсларининг табиий бириқиши натижасида қотиб қолиб, ҳосил бўлган рельеф шакли, кўпинча тоғ олди сойликларнинг ёнбағирларида учрайди.

Бўктар - баъзи бир туркий тилларда, чунончи ўзбек тилининг бир қанча шеваларида, жумладан Ғаллаорол туманида яшовчи халқ тилида тоғ этаги ва баъзан тоғнинг ёнидан ўтадиган ёлғизоёқ йулакчани бўктар дейилади. Бўктар термини Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида «бўктир» тоғлардаги баланд - пастлик ер» деб қайд қилинган ва ҳозир ҳам жой номлари таркибида учрайди.

Тағоб - сойлар атрофи ва қисман тоғ олди дараларида жойлашган суғорма унумдор ерлардан иборат бўлган ҳудуд. Тағобда мевали боғлар ва токзорлар барпо этилган ҳамда уй-рузғор учун зарур бўлган майда деҳқончилик қилинган. Боғ ва экинлар булоқлардан ҳосил бўлган сой сувлари билан суғорилган. Кўпчилик аҳоли ёз ойларини шу жойда соясалқин масканларда ўтказган.[5, 92-б]

Ҳозирда бундай йўқолиб бораётган маҳаллий терминларни аниқлаш, илмий географик адабиётларга киритиш савобли иш. Шу сабабдан, қадимдан халқ оғзаки нутқида кенг қўлланилган маҳаллий географик терминларни тўплаш, илмий асосда тадқиқ этиш ва уларни яна қайтариб халққа, хусусан ёшларга етказиш муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.

Халқимизнинг маънавий хазинаси бўлган маҳаллий географик терминларни махсус ўрганган М.Миракмаловнинг ёзишича, маҳаллий географик терминларни илмий ва ўқув адабиётга киритиш учун қуйидаги тамойилларга амал қилиш лозим:

1. Татбиқ этилаётган терминнинг илмий ва ўқув адабиётда қўлланилишини текшириш тамойили. Текшириш учун асосан олий ва ўрта мактаб дарсликлари, қўлланмалар, турли географик ва топонимик луғатлар, илмий ишлар атрофлича кўриб чиқилади.

2. Татбиқ этилажак терминни эълон қилиш ва изоҳлаш. Тадқиқотчи татбиқ этилаётган терминни, аввало махсус семинарларда, илмий конференцияларда, матбуотда ва турли анжуманларда маъруза қилиш ва илмий мақола шаклида эълон қилиши мумкин. Бунинг учун терминнинг изоҳини, моҳиятини тўла асослаб бериши лозим бўлади.

3. Татбиқ этилаётган термин илмий жиҳатдан тўғри, қисқа, ихчам, ҳамма учун тушунарли, ўзбек тили қоидаларига мос бўлиши ҳамда терминларни танлаш тамойилларига тўла жавоб бериши керак.

4. Татбиқ этилаётган терминни оммавийлаштириш, маҳаллий терминлар луғатларини нашр этиш. Бунинг учун маҳаллий терминларни олий ва ўрта мактаб дарсликларига, илмий тадқиқот ишларида, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг қўлланилишига эришиш лозим. [1,126-б]

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай маҳаллий географик термин халқ томонидан яратилади, бинобарин, у халқ мулкидир. Шунинг учун, маълум ҳудудда тарқалган ва ҳозирги кунда халқ оғзаки нутқида қўлланиб келаётган маҳаллий географик терминларни имконият даражасида ўқув ва илмий адабиётларга киритиш, қўллаш ва оммавийлаштириш зарур. Уларни тўплаб изоҳли луғатларини яратиш, фойдаланиш кўламини кенгайтириш лозим. Энг муҳими шу йўл билан, халқ оғзаки нутқида қўлланилаётган маҳаллий терминлар асраб қолинади ва илмий географик адабиётларда улардан кенг фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муракмалов М. Халқ табиий географик терминлари. -Т.; 2009.
2. Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. -М.; 1979.
3. Qoraev S. Toponimika. Ўқув қўлланма. -Т.; 2006.
4. Фуломов П. Жугрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати. -Т.; 1994.
5. Ҳасанов Ҳ. География терминлари луғати. -Т.; 1964.
6. Ҳақимов Қ.М. Toponimika. Darslik. -Т.; 2016.

## ZAMONAVIY DASTURLASH TILLARINING GEOGRAFIK MA'LUMOTLARNI O'RGANISHDAGI O'RNI

Shamsitdinov Salohiddin, Abdumannopov Murodjon, Alimqulov Nurmuhammad  
Andijon davlat universiteti

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada keltirilgan "Geografik ma'lumotlar" dasturi pedagoglarga ta'lim jarayoning samaradorligini oshirishda qulayliklar yaratadi. Talabalarga fan to'g'risidagi bilimlarini yanada mustahkamlashga, o'zlashtirishni jadallashtirishga hamda tasavvurlarni ifodalash qobiliyatini oshirishga juda katta turtki bo'ladi.

**Tayanch so'zlar:** ma'lumotlar bazasi, grafika, Delphi, Delphi oynalari yaratish metodikasi, ko'nikma, mamlakatlar, geografik ma'lumotlar, releflar, resurslar, statistika.

## THE ROLE OF MODERN PROGRAMMING LANGUAGES IN GEOGRAPHICAL INFORMATION LEARNING

Shamsitdinov Salohiddin, Abdumannopov Murodjon, Alimqulov Nurmukhammad

**Annotation:** The Program "Geographical information" given in this article will provide the teachers with the benefits of improving the efficiency of the learning process. Students are encouraged to learn more about science, to accelerate their development, and to increase the ability to express their ideas.

**Key Words:** database, graphic, Delphi, the method of creating Delphi windows, skill, countries, geographical information, reliefs, resources, statistics.



etadi. "Okeanlar va materiklar" buyrug'i orqali dunyo xaritasi paydo bo'lib, xaritadagi okean yoki kontinent tanlanganda u haqidagi ma'lumotlar chiqadi.

Dastur bazasidagi ma'lumotlar 2016-yil oxiri 2017-yil boshlarida fanga oid adabiyotlar va rasmiy saytlardan olingan.

### Dasturning asosiy oynasi:



Biz dasturchilarning oldimizga qo'yg'an asosiy maqsadimiz bunday dasturlarni yanada takomillashtirgan holda milliy dasturiy mahsulotlarni ishlab chiqish va ta'lim jarayonida qo'llashdir. Shuningdek, innovatsion ta'limni tashkil qilish va rivojlantirish ham har birimizning vazifamizdir.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. A. Soatov, A. Abdulqosimov, M. Mirakmalov "Geografiya (materiklar va okeanlar tabiiy geografiyasi)", Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 6-sinf o'quvchilari uchun darslik. Toshkent: "O'qituvchi" 2017 y. 160 b.
2. M. M. Aripov, N. A. Otaxanov "Dasturlash asoslari", – Toshkent: "Tafakkur bo'stoni", 2015 y. 240 b.
3. Zarifa Uskinova "Jahon mamlakatlari", – Toshkent: "Adabiyot uchqunlari", 2015 y. 128 b.
4. [www.geografiya.uz](http://www.geografiya.uz) – O'zbekiston geografiya portal.
5. [www.geology.com](http://www.geology.com) – Geologiya faniga oid axborotlar va yangiliklar sayti.

### ФОРИШ ТУМАНИНИНГ ҚАДИМИЙ ОРОНИМИЯСИ

Шокиров Рахматулла Шавкат ўғли

Самарқанд давлат университети

e-mail: r-shokirov@samdu.uz

**Аннотация:** Мақолада ўзида улкан таърихий маънони мужассамлаган топонимик объектлардан саналувчи – оронимлар тўғрисида сўз бориб, Жиззах вилояти, Фориш тумани ҳудудидаги келиб чиқиши жиҳатдан ўта қадимий саналувчи бир қатор орообъектлар номи шарҳланган ва бу орқали бундай номларнинг ўрганилиши қанчалик катта аҳамият касб этиши амалда кўрсатиб берилган.

**Таянч сўзлар:** Оронимия, сўгдий топонимлар, Фарғун, Сайёдон, Кочак, "Рўд" атамаси.

## ANCIENT ORONYMS OF FARISH DISTRICT

Shokirov Rakhmatulla

*Annotation: The article deals with the question of toponymic objects - oronyms, embodying a historical meaning; commented on the names of a number of objects in the territory of the Jizzakh region, Farish district, considered very ancient by origin. In this way importance and*

*Key words: Oronym, sogdian toponyms, Fargun, Sayyodon, Kochak, the word "Rud"*

## ДРЕВНИЕ ОРОНИМЫ ФАРИШСКОГО РАЙОНА

Шокиров Рахматулла

*Аннотация: В статье рассматривается вопрос о топонимических объектах – оронимах, воплощающих в себе исторический смысл; прокомментированы наименования ряда объектов на территории Джизакской области, Фаришского района, считающихся очень древними по происхождению. Таким образом, было продемонстрировано значение и важность изучения таких наименований.*

*Ключевые слова: Оронимы, согдийские топонимы, Фаргун, Сайёдон, Кочак, термин «Руд»*

**Ороним** – сўзи юнонча (oros – тоғ) – дан олинган бўлиб, топонимикада ер юзаси рельефи шакллари – тоғ, тизма, дара, водий, қирлар кабиларнинг номларини ўрганувчи соҳалардан саналади. **Оронимия** – эса мазкур объектларнинг худдудий мажмуидир. Бундай тур номлар ҳам одатда табнат ва жамъиятнинг ўзаро алоқалари натижасида келиб чиқиб, бошқа номларга қараганда жойлашган муҳити тўғрисида чуқурроқ тарихий маълумот берувчи муҳим манбалардан саналади. Рус топонимшуноси В. А. Никонов бежиз оронимларни тарихий манбаси бўлмаган худдудларнинг ўтмиши тўғрисида маълумот берувчи, бошқа турдаги жой номларига қараганда турғун деб ҳисобаламаган эди [2, 88].

Кўпчилигимизга маълумки, оронимлар текисликларга қараганда тоғли худдудларда кўпроқ учрайди. Чунки тоғли худдудларда ер юзаси рельефи нотекисликлар кўпдир. Жиззах вилояти худудининг қарийб тенг ярмини эгаллайдиган Фориш тумани ҳам оронимларга бой худдудлардан саналади. Туман худудининг жанубий қисмини тўлиқ равишда *Нурота* тизма тоғлари ўраб туради. Нурота тизма тоғларининг энг баланд нуқтаси “Сариҳоят” – 2169 м. ҳам шу худудида жойлашган.

Ўтмишда қадимий – Уструшана (Истаравшан) – нинг бир қисми бўлган Фориш [1, 17] худудларининг ўтроқликда яшовчи аҳолиси асосан тоғли худудларда яшаганлиги туфайли, туманнинг ўтмишда ҳаёт ўчоқлари бўлган тоғли қишлоқларида, келиб чиқиши қадимий тилларга бориб тақалувчи оронимлар кўп учрайди. Агар тадқиқотчилар мураккаб этимологияга эга бўлган мазкур оронимларнинг шарҳини тўғри ва ҳолисона талқин этсалар, мазкур худудларнинг бугунгача кўпчиликка номаълум бўлган тарихи тўғрисида нодир маълумотлар ойдинлашар эди. Ўта эҳтиёткорлик ва синчковликни талаб қилувчи бундай тадқиқотлар, албатта соҳа мутахасислари – тилшунос олимлар томонидан амалга оширилганлиги маъқулроқдир. Чунки бу тур номларни шарҳлаш тадқиқотчидан улар мансуб бўлган қадимий тиллар ва уларнинг тарихий негизлари билан ошноликни талаб қилади. Шу сабабдан ҳам Форишнинг ўта қадимий топоним ва микротопонимларини ўрганган проф. М. Нурназаров, проф. К. Ҳақимов каби географ олимлар, имконият доирасида фикр билдириб, сўнгра уларни шарҳини соҳа мутахасисларига ҳавола қилганлар [7, 151]. Шу ўринда айтиб ўтиш ўринли бўлар эдики, тилшунослик ва географик топонимикаларининг ўзаро фарқли жиҳатлари ва мураккабликлари айнан шу нуқтада намоён бўлади. Қуйида ана шундай мураккаб тузилган, қадимий оронимларнинг бир нечтасини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Ушбу оронимлар туман худудидаги аниқланган жой номларининг энг қуйи қатламларидан саналувчи сўғдий топонимлар [7, 149] сирасига кириб, ниҳоятда кам ўрганилган.

Фориш тумани, Можарм қишлоғида қадимий тилларга мансуб бўлган кўйлаб жой номлари, хусусан, оронимларни учратиш мумкин. Шулардан бири “Фарғун” бўлиб, у ҳам баландлик –тоғ номи, ҳам дара номи сифатида маълум. Мазкур истилох этимологияси шу кунгача аниқланмаган бўлиб, у икки қисм –“*фар*” ва “*ғун*” –дан тузилган. Унинг биринчи қисми –*фар*, *пар* олимлар томонидан сўғд тилига мансуб деб эътироф этилиб, баландлик маъносини англатиши таъкидланган [8, 89; 4]. *ғун*, *-ғун* каби кўринишларда учрайдиган иккинчи қисми эса, луғатларда *жамлаш*, *йиғиш* ёки *гун* –*тур*, *хил* маъноларида учрайди. Аммо бизнингча бу ороним маъносини тўлиқ шарҳлашга кифоя эмас. Аммо номнинг бизга маълум маъносидан англашимиз мумкинки, ушбу ном баландлик ва у билан боғлиқ бўлиб, қадимий илдиз ва тарихий негизларга эга. Бу борада тадқиқот давом этмоқда.

Андагин қишлоғида “*Кочак*” номи дара мавжуд. У ҳам юқоридаги кам таҳлил этилган номлар сирасига киради ва *теппа* (баландлик)-нинг юқориси ёки кичик дара маъноларини англатади. *Коч* –XI-асрга мансуб ва бизгача етиб келган луғатларнинг энг қадимийларидан бири саналадиган Асадий Тўсийнинг “Луғати фурс” (Фурс луғати) (63-бет), 1530 йида Хофиз Султон Алини Ўбаҳийнинг “Тўхфат-ул-ахбоб” (88 -бет) ва 1608 йилда ёзилган “Фарҳанги Жаҳонгирий” (124-бет) каби муаззам ва қадимий луғатларда *тарсаки*, *дарахт*, *кўшики* ва *ёл* (*теппанинг усти*) каби турли маъноларда учрайди. Сўзнинг иккинчи қисми “-ак” –эса топоформант бўлиб, эроний тиллар, хусусан, сўғд тилида объектнинг кичиклигини ифодалаган. *Кўчак* сўзи мазкур сўзнинг маънодоши саналади ва *кичик*, *кичкина* каби маъноларни ифодалайди [5, 583]. Ўтмишда бу ерда кичик аҳоли яшаш маскани мавжуд бўлган ва қишлоқ аҳолисининг бир қисми истиқомат қилган. Даранинг киравериш қисмидаги қадимий уй-жой қолдиқлари сўзимизни исботидир.

*Хушрўд* – бу ном билан Асраф қишлоғида дара ва сой мавжуд бўлиб, у аслида *хушкрўд* бўлган. Сўз ўртасидаги “к” товуши тушиб қолган. *Хушк*- курук маъносини, *рўд* эса тожик тилига мансуб бўлиб, форс тилининг қадимий ва ўрта ривожланиш даври (сўғд тили)-да *gautah* –дарё, *рўд* > *rod* – (*rwd*) “рўд” шаклида мавжуд бўлган [9, 346; 3, 113; 8,46]. Буюк шоир Абўабдуллоҳ Рўдакий туғилган қишлоқ ҳам *Рўдак* бўлган. Бу ерда сой номи дарага ўтган. Ушбу сой номи худуднинг табиий муҳитидан келиб чиқиб, яъни қурғоқчилик йилларида бу дарадаги булоқларнинг суви камайганлиги учун шундай но олган. *Хушкрўд* –нисбатан суви кам, кичик дарё –сой.

Фориш тумани Ўхм қишлоғида *Сайёдон* деб аталувчи дара мавжуд бўлиб, у жойлашиш муҳитидан келиб чиқиб, овчилар, шикорчилар маскани маъносини ифодалайди. *Сайёд* –арабча овчи, шикорчи [5, 176], *он*- эса, тожик тилида учунчи шахс бирлик олмошидир [5, 919]. Бу



1-расм. Сайёдон дарасидаги қадимий тош суратлар – петроглифлар

дарада қадимий тошсуратлар (петроглиф) мавжуд бўлиб, унда ов манзараси тасвирлангани сўзимизнинг исботидир. Ушбу суратларда маҳаллий аҳоли Ғурм (сўғдча *тоғ эчкиси*) деб атовчи, илмий тилда эса *Северсов кўйлари* деб номланувчи ва фақат Нурота тоғларида учрайдиган ўта ноёб ҳайвон тури ва уларни овлаётган овчи акс этган. Мазкур тош битиклар келиб чиқиш даврини “Нурота-Қизилқум биосфера резервати” лойиҳаси доирасида

фаолият юритган немис олимлари номаълум деган бўлсалар, географ

олим И. Халилов бир мақоласида уларни бронза даврига (мил. авв. 3-2 минг йил.) мансуб деб таъкидлайди [6] (1-расм). Бундан кўринадики, бу жой номи қадимдан ов билан боғлиқ ном билан аталиб, кейинчалик кўнлаб номлар катори арабийлашган.

Бундан ташқари мазкур ҳудуддаги *Фашилак*, *Парандоз*, *Хурроистон*, *Гужсм*, *Пўдак*, *Андаровут*, *Удмон*, *Бедак*, *Сақалозу*, *Чиллавуқ*, *Қириқўл*, *Тудак*, *Мандак*, *Кўфтак*, *Навич*, *Ғузун*, *Нойхутоб*, *Ғармич*, *Гудонак*, *Шаровут* каби кўнлаб қадимий тилларга мансуб оронимлар учрайди. Юқоридагилардек, уларнинг шарҳи ҳам алоҳида изланиш ва чуқур ёндашувни талаб қилади.

Умуман олганда, ўзида катта маъноларни мужассам этган, оронимлар чуқур ёндашув ва таҳлили талаб этадиган жой номлари саналади ва ўзига хос номланиш тарзига эга. Шунинг учун ҳам уларни ҳалқимиз ўзгача эҳтиром ила эзозлаб келади. Фориш туманининг юқорида биз таҳлилини келтирган оронимлари ҳам ана шундай халқ эъзозидagi номлардан бўлиб, ҳудуд тарихининг нечоғлиқ бойлиги ва қадимдан ҳаёт ўчоқларидан бири бўлганлигидан далолат беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аюбов А.Р. Топонимы уструшаны как источник по истории и культуры. –Худжанд: Нури маърифат, 2013.
2. Никонов В.А. Заметки по оронимии Киргизии. –В сб.: Ономастика Средней Азии. М., 1978.
3. Расторгуева В.С. Сравнительно-историческая грамматика западно-иранских языков. Фонология. –Москва, 1990.
4. Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. –Самарқанд, 2007
5. Фарҳанги забони тоҷики. Икки жилдди. –Москва: Советская энциклопедия, 1969.
6. Халилов И. Кое что о истории Нуратау. Дополнения. <https://www.proza.ru/2011/02/03/865>
7. Ҳакимов К. Жиззах вилоятининг географик номлари. –Жиззах, Сангзор, 2013.
8. Ҳомидов Д. Топонимияи водии Кешруд. –Душанбе: Кишоварз, 2002.
9. Gharib B. Sogdian dictionary (Sogdian-Persian-English). –Tehran: Farhangon, 2004.

## ШАРҚ РЕНЕССАНСИ – БУЮК ИННОВАЦИЯЛАРИ ДАВРИ

Азизбек Эгамбердиев

Андижон давлат университети

**Аннотация:** Шарқ Ренессанси даври алломалари томонидан яратилган кашфиётлар дунё цивилизациясининг ривожига муносиб ҳисса қўшган. Мақолада бугунги Ўзбекистонда ривожланишнинг инновацион йўли буюк тарихимизга таяниши ҳақида фикр юритилади

**Калит сўзлар:** Шарқ Ренессанси, кашфиёт, цивилизация, инновация, тараққиёт.

**Annotation:** The discovery of the great scientists of the east was greatly influenced by the civilization of the world. The article examines how Uzbekistan today is innovatively developing by drawing on its great history.

**Key Words:** East Renaissance, Discovery, Civilization, Innovation, Development.

Жамият ҳаётини янгилашнинг муҳим шакли – инновациялардир. Инновация – мавжуд тизим самарадорлигини таъминлаш мақсадида киритиладиган ўзгартириш бўлиб, у орқали моддий ва маънавий самарадорликка эришилади. 2018 йил – “Фаол тадбиркорлик, инновацион роҳлар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили” да ҳам давлат ва жамият ресурслари айнан тизимнинг самарадорлигини оширишга қаратилмоқда.

Буюк аждодларимизнинг фаолиятининг мазмун-моҳияти ҳам бир жихатдан инновацион характерга эга бўлган. Жумладан, Шарқ Ренессанси давридаги алломлар асарлари ўз даври учун оламшумул янгилик сифатида эътироф этилади.

Абу Наср Форобийнинг давлат ва жамият ҳақидаги қарашлари домно илмий жамоатчиликнинг эътиборида бўлиб келган. Файласуфнинг давлат бошқарувида янгиликларни